



ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАСАССАЛАРИДА ТИББИЙ РАДИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ ВОСИТАСИДА ТАНҚИДИЙ ОПЕРАТИВ ТАФАККУРНИ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ.

Шукурова Севара Илхомовна

Бухоро инновацион таълим ва тиббиёт университети
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13846115>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20- Sentabr 2024 yil
Ma'qullandi: 24- Sentabr 2024 yil
Nashr qilindi: 27- Sentabr 2024 yil

KEYWORDS

Тиббий тасвирлар, аналог шакл, рақамли шакллар, пикселлар, матрица шаклидаги тизимга ўтишда уларнинг асосий афзалликлари, тасвирларнинг аниқлиги ва юқори сифатга эга бўлишлиги.

ABSTRACT

Тиббиётда радиология соҳасидаги тиббий тасвирларнинг ўрни жуда ҳам катта аҳамиятга эгаллиги. Беморга аниқ ташҳис қўйишда даволовчи врачга тиббий тасвирларнинг аниқлиги ва тасвирларнинг юқори сифатга эгаллиги жуда ҳам муҳимлиги. Тиббий тасвирларни қайта ишлаш, сақлаш, шаклларини ўзгартириш, аналог шаклдан рақамли шаклга ўзгартиришлиги

Мамлакатимизда ҳозирги пайтда ёшларга таълим ва тарбия беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Таълим-тарбия ҳамиша жамият тараққиётининг асоси бўлган. Чунки, инсон жамиятдаги барча муносабатлар, алоқаларнинг марказида туради. Фантехника ва ахборотдаги революция инсон ва унинг илмиймаърифий потенциалини ижтимоийиқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омилига айлантирди.

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичи учун иқтисодий ўсиш омилларининг сифат жиҳатдан такомиллашиб бориш жараёни хосдир. Фантехника тараққиётининг илғор натижаларини қўллаш, ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, юқори самарали техника технологиялардан фойдаланиш билан бир қаторда, энг муҳими юқори малакали мутахассислар тайёрлаш бу борадаги муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади.

Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқаро меҳнат тақсимоотида муносиб ўрин эгаллаш, миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш муаммолари кўп жиҳатдан иш кучининг билими, малакаси, вазиятга қараб иш тута олишига боғлиқ. Келажакда эришишимиз лозим бўлган буюк мақсадларга етишиш учун энг аввало юқори малакали, замон талабига жавоб берадиган мутахассис кадрлар тайёрлашимиз керак.

«Биз олдимизга қандай вазифа қўймайлик, қандай муаммони ечиш зарурияти туғилмасин, гап охиरोқибат барибир кадрларга бориб тақалаверади. Муболағасиз айтиш мумкинки, бизнинг келажагимиз, мамлакатимиз келажаги ўрнимизга ким келишига ёки бошқачароқ айтганда, қандай кадрларни тайёрлашга боғлиқдир»¹

Ёшлар тарбияси ҳамда уларни тарбиялашда таълим тизимининг нақадар аҳамиятга эгаллиги, Президентимизнинг Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг «Таълимкелажакка йўналтирилган сармоя» минтақавий конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригидаги ушбу жумлалардан ҳам англаш мумкин: «Ҳозирги пайтда бир ҳақиқатни ҳар қачонгидан кўра теран англаб олиш муҳим аҳамиятга эга. Самарали таълим тизимини яратмасдан туриб, жамиятни ислоҳ этиш бўйича белгиланган вазифалар ижросини тасаввур этиш қийин.

Билимдон мутахассис кадрларни тайёрлаш, инсон салоҳиятини юзага чиқариш эса ҳар жиҳатдан устозларга, уларнинг билимдонлик билан ўқитиш жараёнини ташкил қилиши ва дарс беришига боғлиқ. Шунинг учун ҳам ўқув жараёнини ташкил этиш, талабаларнинг чуқур билим олишига ёрдам берувчи ўқув услубларини қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги даврда ўқув жараёнини ташкил этиш ўқитувчидан фақат чуқур билимгина эмас, балки педагогик маҳоратга эга бўлишларини, дарс беришнинг турли методларини билишни ҳамда ўз устида тинмай ишлашни талаб қилади.

Ҳар бир инсоннинг ҳаёти асосини иқтисодий фаолият ташкил этар экан, табиийки ҳар бир одамдан иқтисодий фикрлашни ўрганиш талаб этилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан бу талаб янада кучайди. Фарзандларимизнинг ёшлиқдан иқтисодий фикрлай билиши учун, мамлакатимизда ўрта мактабдан бошлаб иқтисодий билим асосларини ўрганишга киришилди.

Олий ўқув юртининг, айниқса, иқтисодий йўналишдаги ўқув юртининг талабалари эса иқтисодий фикрлашнинггина эмас, кенг доирадаги иқтисодий муаммоларни аниқлаш, таҳлил қилиш, иқтисодий ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш, бу ўзгаришлар келажакда қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳис қила билиши, кўз ўнгига келтира билишни ўрганиши зарур. Бунинг учун эса иқтисодий фанларни чуқур билиш талаб қилинади. Мураккаб ҳўжалик дунёсини акс эттирувчи бу фанларни ўрганиш учун тўғри метод танлаш муҳим аҳамиятга эга. Дарс ўтишда тўғри метод танланмаса, назарий жиҳатдан ўқитувчининг билими юқори бўлишидан қатъи назар, қўшилган натижани бермайди. Ўқитувчининг билими педагогик маҳорат билан қўшилгандагина ўқув жараёнини самарали ташкил этиш мумкин. Бунинг учун ўқув жараёнини ташкил этишнинг турли методлари ва уларни қўллашни билиш керак. **Иқтисодий фанларни ўқитиш методикаси (услугияти)** айнан ана шу мақсадга қаратилган. **У иқтисодий фанларни ўрганиш методлари ва уни дарс жараёнида қўллаш йўллари ўргатади.**

«Метод» атамаси юнонча «methodos тадқиқот ёки билиш йўли, назария, таълимот» сўзидан келиб чиққан бўлиб тадқиқот йўли, ҳақиқатга интилиш, билиш, ҳаракат қилиш йўллари, қўйилган натижага эришиш усули маъносини англатади. Метод деганда воқеликни амалий ёки назарий ўзлаштириш усуллари тушунилади. Фаолиятнинг турли жабҳаларини ўрганишни қамраб олгани ҳолда илмий билиш ва унинг усуллари методиканинг асосий йўналишидир. Унда таълим ва тарбия бериш

усуллари асосий ўринда туради. Одатда **методика (услугият) деганда илмий билиш фаолиятининг шакллари ва методлари мажмуи ҳақидаги фан тушунилади. Бу назарий жиҳатдан қўйилган** мақсадга етиш, ҳақиқатни, реалликни, фаолиятни назарий ёки амалий билиш, ўрганишнинг усуллари ёки операциялари мажмуидир.

Педагогик амалиётда, анъанага мувофиқ, ўқув тарбиявий мақсадларга эришиш учун қўлланилаётган, тартибга солинган фаолият усули метод деб тушунилади. Бунда ўқитувчининг ўқитиш фаолияти усуллари билан ўқувчининг ўқиш фаолиятининг усуллари бирбирига боғлиқлиги таъкидланади.

Ўқитиш методи қуйидагича тавсифланади: ўқитишнинг мақсади, ўзлаштириш усули, ўқув жараёни қатнашчилари (ўқитувчи, ўқувчи, талаба)нинг ўзаро муносабати.

Ўқитиш методикаси тушунчаси:

а) педагогнинг ўқитиш усуллари ва ўқувчининг ўқиш усуллари ҳамда ўқувчининг ўқитувчи билан ўзаро боғланганлигини;

б) ўқитишдан кўзланган мақсадга эришиш бўйича ҳамкорликда ишлашнинг ўзига хослиги, яъни, ўқитиш методлари белгиланган мақсадга етиш учун таълим вазифаларини ҳал этишда ўқитувчи ва ўқувчининг ҳамкорликдаги фаолиятидир.

И. П. Подласийнинг фикрича, методжараённинг ўзаги, режалаштирилган мақсадни якуний натижа билан боғловчи бўғин. «Мақсад – мазмун – методлар – шакллар ўқитиш воситалари» тизимидаги ролларни аниқловчидир.

Таълим методлари бир томондан, объектив характерга эга бўлиб, қайси педагог қўллашидан қатъи назар, доимий амал қиладиган мустаҳкам қонунқоидалар билан боғлиқ. Улар барча дидактик қоидалар, қонунларнинг талаби ҳамда мақсадларнинг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг мазмуни, шаклини ифодалайди. Иккинчи томондан, субъектив характерга эга бўлиб, у педагог шахси, ўқувчиталабаларнинг ўзига хос томонлари, аниқ шароит билан белгиланади,

Методларнинг объектив ҳамда субъектив характери ҳақидаги фикрлар хилмахилдир. Методларнинг объектив характерини бутунлай инкор қилиб, уни тўлиқ субъектив характерга эга, шунинг учун ҳам такрорланмасдир, у ҳар бир педагогнинг ижоди тарзида юзага чиқади, деган фикр билдирувчилардан тортиб, унинг тамомила акси бўлган, тўла объектив характерга эга дейдиганлар ҳам мавжуд. *Ҳақиқат, одатда, барча фикрларнинг ўртасида туғилади.* Айнан ҳамма методлар учун доимо умумий бўлган объектив томони, дидактика назарияси, кўп ҳолатларда эса энг яхши бўлган амалиёт йўллари тавсия этилади.

Методларнинг объектив жиҳатларида барча дидактик қоидалар, қонунлар, тамойиллар, таърифлар, мазмун бутунлигининг доимий компонентлари, ўқув фаолиятининг шаклларида хос бўлган умумий томонлар акс этади. Методларнинг субъектив жиҳати педагог шахси, унинг маҳорати, таълим оловчиларнинг ўзига хослиги ва аниқ шароитга боғлиқ.

Методларнинг объектив жиҳатини дидактик принцип нуқтаи назаридан талқин этиш, унинг назариясини ишлаб чиқиш, амалиётда қўлланиши зарур бўлган энг яхши методларни тавсия этиш, мантиқий танлаш муаммоларини муваффақиятли ечиш имконини беради.

Методларни оптималлаштириш учун эса педагоглар маҳорати, ижодий ёндашиш зарур бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитиш методлари юқори даражадаги санъат бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Метод ниҳоятда серқирра бўлиб, жуда кўп компонентларни жамлайди. Мураккаблиги учун ҳам методни ягона маънога эга тарзда ифодалаш қийин. Шу боис методнинг мазмунмоҳиятини, сифатларини соддалаштирилган вариантдаги таърифларда беришга тўғри келади.

Шарқ мутафаккирлари ҳам билишнинг методларига катта эътибор билан қараганлар. Ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўқитиш методларига алоҳида эътибор берган аллома Аристотелдан сўнг «иккинчи муаллим» деб ном қозонган Абу Наср Форобий ўқитиш методлари ҳақидаги трактатларида таълим олувчиларга турли билимлар бериш билан бирга мустақил ҳолда билим олиш йўлларини ҳам кўрсатган, билим олиш зарурлигига шакшубҳасиз ишонтириш лозимлигини таъкидлаган¹.

Ҳозирги терминлардан фойдаланиб, Шарқнинг қомусий алломаларининг ўқитиш методларини билишнинг умумий қонунларига мувофиқлигини аниқласа бўлади. Улар фойдаланган ўқитиш методларини бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Булар Ибн Сино қўллаган кўргазмалитажриба методлари, Абу Райҳон Беруний, Ал Хоразмийнинг кўникма ва малакаларни шакллантириш методлари, Форобий ва Ал Хоразмийнинг билимларни текшириш методлари ва бошқалардир. Уларнинг ҳаммаси ўқувчиталабаларнинг фаолиятини кучайтириш, мантиқий тафаккурини ривожлантириш мақсадини кўзлаган.

Методология эса (юнон. метод ва логия сўзларидан) фаолиятнинг таркиби, мантиқий тузилиши, метод ва воситалари ҳақидаги таълимотдир.

Методологик билим, биринчидан, муайян фаолият турларининг мазмуни ва изчиллигини ўз ичига олган одат ва нормалар шаклида, иккинчидан, амалда бажарилган фаолиятнинг таъсири сифатида юзага чиқади. Ҳозирги замон адабиётларида методология дейилганда, аввало илмий билиш методологияси, яъни илмий билиш фаолиятининг шакллари ва усуллари тушунилади.

Бошқача айтганда методика бу дарс ўтишда ўқитувчига қўйиладиган талабларни реализация қилишни амалга оширадиган турли методларнинг мажмуидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш, иқтисодиётга давлат аралашувининг қисқариб, нодавлат тармоқларнинг ривожланиши, мамлакатимизни жаҳон иқтисодий тизимига интеграцияси таълим тизимини ҳам ислоҳ қилиш, ҳозирги замон таълим тизими олдида турган масалаларни қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, ёшларни иқтисодий саводхонлигини ошириш муҳим масалалардан бири бўлиб қолди.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизда иқтисодий таълимтарбия беришга мактабдан бошлаб алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча касб таълими йўналишидаги бакалаврлар учун «Махсус фанларни ўқитиш методикаси» ўрганилиши зарур бўлган асосий предметлардан бири ҳисобланади.

Иқтисодий фанлар фақатгина назарий эмас, амалий фанлардир. Улар бевосита амалиётга таянади, аниқ маълумотлар, далиллар, рақамлар ҳисобкитобларга

асосланади. Шунинг учун иқтисодий билимларни ўрганиш, иқтисодий тафаккурни шакллантириш, реал иқтисодий жараёнлар асосида амалга оширилади.

Иқтисодиётни ўргатувчи, иқтисодий билим берувчи фанлар хилма хил. Иқтисодий фанларни ўрганиш объектини миқёси, иқтисодий билимларни қамраб олиши жиҳатидан шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Умумиқтисодий фанлар. Улар иқтисодиётни, унга хос бўлган иқтисодий қонунлар, тамойилларнинг амал қилишини яхлит ҳолда ўрганади. Буларга, энг аввало, иқтисодиёт назарияси фани киради. У барча иқтисодий фанларга асос бўлиб хизмат қилади. Иқтисодиётнинг қонунқоидаларини билиш, шу фанни ўрганишдан бошланади.

Ўрта махсус ўқув юртларида “Иқтисодий билим асослари”, “Иқтисодиёт асослари”, олий ўқув юртларида эса “Иқтисодиёт назарияси” ўрганилади.

2. Хусусий иқтисодий фанлар. Булар микроиқтисодиёт, макроиқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, ижтимоий иқтисодиёт, меҳнат иқтисодиёти ва бошқалар бўлиб, улар иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасини ўрганади.

3. Функционал иқтисодий фанлар. Бу фанларга бухгалтерия ҳисоби, молия, аудит, молиявий таҳлил, солиқ, суғурта, менежмент, банк иши ва бошқалар киради. Одатда, улар кўпроқ мутахассислик фанлари сифатида ўрганилади.

Шунга кўра, ҳар бир иқтисодий фан ўз предметини умумфалсафий, умумиқтисодий ҳамда бошқа алоҳида хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, шу фанга хос бўлган методлар ёрдамида ўрганади. Фанни ўрганиш жараёнида эса нафақат фаннинг предметини ўрганишда қўлланиладиган методлар, балки фанни ўрганиш, билиш жараёнини ташкил этишда қўлланиладиган методлар ҳам катта аҳамиятга эга. Чунки ўқитиш жараёнида фанни талабалар онгига етказиш, уларни билим олишга чорлаш, қизиқтириш, ўз устида ишлашга йўналтириш кўп жиҳатдан унда қўлланиладиган методларга боғлиқ.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Shukurova, S. (2024). MEDICAL RADIOLOGY IN HIGHER MEDICAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS CRITICISM OF PEDAGOGICAL COMMUNICATION IN SCIENCE TEACHING METHODOLOGY OF DEVELOPING OPERATIVE THINKING. В CENTRAL ASIAN JOURNAL OF ACADEMIC RESEARCH (Т. 2, Выпуск 9, сс. 8–10). Zenodo. <https://doi.org/10.5281/zenodo.13822781>
2. Шукурова, С. (2023). МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ КРИТИЧЕСКОГО ОПЕРАТИВНОГО МЫШЛЕНИЯ ЧЕРЕЗ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ ДИАЛОГ ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ МЕДИЦИНСКОЙ РАДИОЛОГИИ В ВЫСШИХ МЕДИЦИНСКИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ. Наука и инновация, 1(20), 89–91. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/si/article/view/19985>
3. Шукурова, С. . (2023). ТИББИЁТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАСАССАЛАРИДА ТИББИЙ РАДИОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ПЕДАГОГИК МУЛОҚОТ ВОСИТАСИДА ТАНҚИДИЙ ОПЕРАТИВ ТАФАККУРНИ ЎСТИРИШ МЕТОДИКАСИ. Инновационные исследования в современном мире: теория и практика, 2(23), 104–106. извлечено от <https://in-academy.uz/index.php/zdit/article/view/19987>
4. THE METHOD OF USING THE FUNCTIONAL-DIFFERENTIAL EQUATION IN DETECTING PARASITES IN CHILDREN. R Bakhramov, M Malikov, A Kubaev -Turkish Journal of Physiotherapy and Rehabilitation;32(3) 2021. P 136-140 <https://turkjphysiotherrehabil.org>

5. LABORATORY INFORMATION SYSTEMS. SS Nabiyeva, OB Axmedov, MR Malikov, LE Shukurov -Archive of Conferences, 2020. <https://scholar.google.com>

6. WhatisEcology? /KhudaykulovaSH.N., KubaevA.E., JalilovM.X., Baratova R.SH., Kurbanova L.M., Umarova O.S., Burxonov B.N. Annalsof R.S.C.B., ISSN:1583-6258, Vol. 25, Issue5, Pages. 3341-3345 2021; <http://annalsofrscb.ro6>.

